

Адабиётлар:

1. Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Конуни.
<https://lex.uz/docs/3026246>.
2. Ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш Концепцияси.
3. Исмаилова Ш. Ёшлар ижтимоийлашувида аҳлоқий қадриятларнинг ўрни. <https://cyberleninka.ru/>.
4. Колбунов Ф. А. Ценностные ориентации молодежи российского мегаполиса. Автореф. дисс. канд. культурологии. Санкт-Петербург . 2011. - С.18.
5. Инглхарт Р., Вельцель К. Модернизация, культурные изменения и демократия: Последовательность человеческого развития М.: Новое издательство, 2011. - 43.

<https://doi.org/10.34920/uzxdmk/2022/010>

МИССИОНЕРЛИК ҒОЯЛАРИ ДИНИЙ ОНГГА ТАЪСИРИНИНГ АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ТАҲДИД СИФАТИДА НАМОЁН БЎЛИШИ

Ахмедов Эргаш Кулдашевич

Тошкент кимё технология институти в.в.б доценти,
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Бугунги кунда ноанъанавий диний оқимларнинг миссионерлик ҳаракати натижасида ахлоқий қадриятларда ўзгаришлар юз

бераётгани, миллатларнинг миллий қадриятлари, ўзига хос яшаш тарзи издан чиқаётгани, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаётига нисбатан турли таҳдидлар хавф солаётганлигини кузатиш мумкин. Диннинг миллий маънавият ва ахлоқий қадриятлар билан узвий боғлиқлигини ҳисобга оладиган бўлсак, инсонларнинг ўз динидан бошқа динга эътиқод қилишга ўтиши миллий маънавиятдан узилиб қолишига олиб келади. Вайронкор секталарнинг миссионерлик ҳаракати натижасида миллий маънавият, ахлоқий қадриятлар, анъанавий дин ва эътиқод тизимиға птур етказилиб, оқибатда инсонларнинг ўз миллий маънавиятидан бегоналашуви содир бўлади. Ана шу жиҳатдан вайронкор секталар маънавий-ахлоқий қадриятларга таҳдид сифатида намоён бўлади. Айниқса, вайронкор секталарнинг мафкуравий иммунитети тўлиқ шаклланмаган ёшларга катта эътибор қаратиши натижасида истиқболда миллатларнинг мустақил субъект сифатида сақланиб қолиши учун хам жиддий хавф юзага келади.

Ноанъанавий диний ҳаракатларнинг замонавий рус жамияти маънавий хавфсизлигига деструктив таъсирини ўргангандан тадқиқотчи А.Н.Сироваткин: “Бундай ҳаракатларнинг пайдо бўлиши учун диалектик зарурат мавжудлигини таъкидлаб, уларнинг аксарияти ҳалокатли эканлигини ва рус жамиятининг маънавий хавфсизлигига таҳдид солишини ҳисобга олмаслик мумкин эмас”[1], -деган фикрни билдиради. Профессор В.Чернишев: “Кўплаб бузғунчи секталарнинг таълимоти ва фаолияти инсоннинг маънавий ҳаётига салбий таъсир кўрсатмоқда”[2], – деб таъкидлайди. Таҳлилчи И.Полонскийнинг

фикрига кўра: “Секталардан миллий маданиятни йўқ қилиш учун фойдаланиши мумкин. Хеч кимга сир эмаски, бирор секта ёки диний оқим сафига қўшилган одам ўзини миллий ҳамжамияти билан боғлиқ деб хисобламайди. Секта нафақат унинг оиласи ўрнини, балки ўз халқи, миллати, ватанинг ўрнини эгалладайди”[3]. Ленинград ва Ладога митрополити Иоаннинг таъкидлашича, маънавий тоталитаризмнинг мақсади ҳам худди сиёсий тоталитаризмники каби одамлар устидан хукмронликни қўлга олишга қаратилган, фақат буни диний ақидалар ёрдамида амалга оширади[2]. Дарҳақиқат, миссионерлар қандай бўлмасин, давлатнинг миллатнинг келажаги бўлган ёшларни бузиш, тўғри йўлдан адаштириш ва шу тариқа мамлакатни маънавий таназзулга учратиш оқибатида маънавий тоталитаризмни ўрнатишга уринмоқда.

Вайронкор секталарнинг ўзига хос хусусияти улар фаолиятининг жамиятни ижтимоий ўзгартиришга йўналтирилганлигидир. Бундай секталарнинг лидерлари жамият кайфиятидаги ўзгаришларни, бу “ўткинчи дунё”нинг нуқсонларини фош қилиб, ўзларини “халоскор”, юксак ахлоқли “ҳақиқатгўй” сифатида кўрсатадилар. Барча секталарнинг “инсониятни яхши томонга ўзгартириш” ва идеал жамиятни яратиш бўйича ўз фаразлари мавжуд. Одатда, “нажот”нинг барча моделлари бутун инсоният ушбу секта аъзолари тарғиб қилаётган “маънавият” ва дунёқарааш шаклига ўтишидан иборат. Ушбу жараёнда вайронкор секталар ёшларни сафларига жалб қилмасдан

туриб ўз мақсадларига эриша олмайди. Бу ёшларнинг фаоллиги билан, шунингдек уларнинг истиқболи билан ҳам боғлиқdir.

Бугун миссионерлик ҳаракатларининг авж олиши шароитида миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш эҳтиёжи ортиб бормоқда. Бунинг учун, аввало, ёшлар маънавиятини ривожлантириш, мафкуравий иммунитетини мустахкамлаш зарур бўлади. Чунки маънавияти қашшоқ инсонларнинг вайронкор секталар томонидан амалга ошириладиган миссионерлик ҳаракатларининг мазмун-моҳиятини, ундан кўзланган мақсадлар ва кимларнинг манфаатларига хизмат қилишга қаратилганлигини таҳлил қилишга салоҳияти етмайди. Бунинг оқибатида улар ушбу секталар томонидан тарғиб қилинаётган ёт ғояларга қўшилиб кетиши мумкин.

Вайронкор секталарнинг ёшлар маънавиятига таъсири қуидагиларда намоён бўлади: Биринчидан, бундай секталар анъанавий динлардан фарқли ўлароқ, ёшларнинг исёнкор руҳига мос келадиган, уларни ўзига ром қиласидиган “жозибадор” ҳаёт тарзини тарғиб қиласиди. Ёшларнинг етарли ҳаётий тажрибага эга эмаслиги, иқтисодий жиҳатдан юқори даражада ривожланган ғарбона яшаш тарзига мойиллиги уларни секталарнинг тарғиботига қизиқишини кучайтиради, ёлғонларга ишонтиришга имкон яратади. Шу маънода бу холат секта миссионерларининг ёшлар онги, дунёқараши ва қалбини эгаллашлари учун осон кечишини таъминлайди. Онг, дунёқарашиб ва қалбнинг секталар хошиш-иродасига бўйсуниши эса ҳар қандай ёшни ўзгалар измидан юришларига олиб келади; иккинчидан, турли

бузғунчи секталарнинг миссионерлари ёшларнинг ахлоқий, руҳий ва маънавий оламига осонгина кириб боришининг яна бир жиҳати шундаки, миллий тарбиянинг бугунги шиддатли тараққиёт даражаларидан ортда қолаётгани, ёшларнинг ўзгараётган замон талаблари даражасидаги эҳтиёжларини қондиришда ва уларни ўзига жалб қилишда оқсаётганлиги ҳам шароит яратмоқда; учинчидан, ёшларга хос тақлидчилик рухиятининг устиворлиги, медиасаноат махсулотлари ёки интернетда нимани қўрса ўшанга тақлид қилишга мойиллигининг кучлилиги ҳам уларнинг секталар томонидан билвосита амалга оширилаётган миссионерлик ҳаракати тузогига илиниб қолишларига олиб келмоқда. Бу холатлар ёшларни сохта дин, сохта маданий тараққиётлар ва бошқа сохта мақсадлар ортига яширинган секталарга жалб қилиш имкониятини кенгайтирумокда.

Ёшлар маънавияти жамият маънавиятининг таркибий қисми эканлигини ҳисобга олганимизда турли вайронкор секталар томонидан амалга оширилаётган миссионерлик ҳаракатининг ёшлар онги, дунёқараши ва қалбини эгаллаши жамиятда тузатиб бўлмайдиган кенг маънодаги маънавий инқирозни ҳам вужудга келтиради. Ёшларнинг бундай секталар таъсирига тушиб қолишининг кўпайиши ахлоқий қадриятларнинг әмирилишига, жамият барқарорлиги ва мамлакат хавфсизлигига нисбатан таҳдидларнинг юзага келишига олиб келади. Вайронкор секталар томонидан тарғиб қилинаётган ғоя ва ақидалар ёшлар онги ва қалбидан ўрин олгудек бўлса, эътиқод даражасига кўтариладиган бўлса, ахлоқий қадриятларга путур етади, миллий

маънавият барбод бўлади, охир-оқибатда миллат ўзгаларга қарам бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам улар инсонларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун курашмоқда, анъанавий дин, аҳлоқий қадрияtlар, қўп асрлик аждодлар меъросини барбод қилиб, уларнинг ўрнини вайронкор секталар томонидан сунъий шакллантирилган билим, хулқатворга алмаштириб қўйишга уринмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, миссионерлар диний онгга таъсир ўтказиш орқали халқларнинг миллий ва диний негизларидан жудо қилиб, унинг ўрнига ўзларининг эътиқоди, фоя ва қараашларини инсонлар онгига сингдирмоқда. Натижада, аҳлоқий қадрияtlарнинг яшовчанлигига, миллий-маънавий тараққиётга, жамият хавфсизлиги ва мамлакат баркарорлигига таҳдид солмоқда. Четдан кириб келадиган эътиқод ва маданиятни тарғиб этадиган, миллий маънавиятимизга раҳна солиш орқали миллий ўзликни англашга путур етказадиган вайронкор секталарнинг таҳдидидан фуқароларимизни, айниқса, ёшларимизни ҳабардор қилиш зарур. Бунинг учун таълим ва тарбия ишларини оқилона йўлга қўйиш, айниқса, миллий тарбияни тобора авж олаётган таҳдидларнинг олдини олишга қодир бўладиган даражада ташкил этиш ва уни амалга оширишимиз керак бўлади.

Вайронкор секталар таҳдидининг олдини олишга қаратилган қуйидаги тавсияларга эътибор қаратиш зарур:

– Диний конфессиялар ва этник групкалар ўртасида соғлом мулоқот муҳитини яратиш, жамиятда миллий фоя асосида барча миллатларнинг жипслигини ҳамда барқарор келажагини таъминлашга

эътиборни кучайтириб, ноқонуний диний фаолият ва вайронкор секталарнинг миссионерлик ҳаракатига қарши курашишда диний конфессиялар билан биргалиқда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, турли давлат ва жамоат тузилмаларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштиш ва сафарбар қилиш;

– Жамиятда вайронкор секталар фаолиятига оид ижтимоий-хуқуқий сиёsat ишлаб чиқилиши, миссионерлик ҳаракатлари түғрисидаги қонунни қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, мавжуд қонунчиликни такомиллаштириш, қонунчиликка диний секта, тоталитар секта тушунчаларини киритиш, вайронкор секталар томонидан амалга ошириладиган миссионерлик ҳаракатининг жиноий таркибини аниқлаштириш ва тартибга солиш зарур. Шу билан бирга, диний ва маънавий мувозанатни ўрнатишда халқаро ҳамкорликни кучайтириш керак.

– Оила ва маҳалла институтларининг ёшлар тарбиясидаги фаоллигини кучайтириш керак. Бу борада давлат ва нодавлат ташкилотларнинг самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш, “оила - маҳалла - таълим муассасаси” ҳамкорлик меҳанизмини янада кучайтириш, муҳим хисобланади;

Фақат шу каби маърифий йўллар билан вайронкор секталарнинг ёшлар маънавий камолотига, ахлоқий қадриятлар хавфсизлиги ва миллий-маънавий тараққиётга таҳдидининг олдини олиш, дин ниқобидаги бундай таҳдидлардан кўзланаётган турли ёвуз сиёсий ўйинларнинг пайини қирқиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сироваткин А.Н. Деструктивное влияние нетрадиционных религиозных движений на духовную безопасность современного российского общества // диссертации на соискание ученой степени кандидата философских наук: 09.00.11 – Пятигорск 2013. С-3.

2. Чернишев В. Секта и личность: психологические механизмы влияния // <https://pravlife.org/ru/content/sekta-i-lichnost-psihologicheskie-mehanizmy-vliyaniya>

3. Полонский И. Секты как угроза национальной безопасности России. Военное обозрение. // <https://www.topwar.ru/82297-sekty-kak-ugroza-nasionalnoy-bezopasnosti-rossii>

<https://doi.org/10.34920/uzxdmk/2022/011>

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАСАВВУФ МАКТАБЛАРИНИНГ

ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНИ

Хатамов Тохир Абдумуталович

Ўзбекистон халқаро ислом академияси Ислом тарихи ва манбашунослиги IRCICA кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди

Ислом оламида тасаввуф тараққиёти бир неча босқичларни босиб ўтган бўлиб, жумладан, VIII-IX асрлар “Зоҳидлик даври”, IX-XI асрлар “Сўфийлик мактаблари ва оқимлари даври”, XII асрдан кейин “Сўфийлик тариқатлари даври” илмий тадқиқотларда